

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: геосиёсий контекст ва асосий натижалар

С.Сафоев

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети ректори*

Шанхай ҳамкорлик ташкilotи – асримизнинг тенгдоши

Ушбу ташкилот инсониятнинг ўз
ривожда кескин бурилиш даврига
қадам босган бир пайтда вужудга

келди ва унинг таъсис этилиши бежиз эмас, албатта. XXI аср бўсағасида, санокли йиллар мобайнида, ер куррасида кескин ва чуқур геосиёсий ўзгаришлар юз берди. Олдинги даврларга хос бўлган хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш тизими вайрон бўлди.

Айнан ўша йилларда аниқ намоён бўлган эдики, дунё тузилишининг янги модели тобора мураккаблашиб, тармоқланиб ва, айти вақтда, ўзаро боғланиб бормоқда. Чикаго университети профессори Ж. Миршхаймер қайд этганидек,¹ Шарқ ва Ғарб қарама-қаршилигига асосланган икки қутбли дунё шаклланаётган кўп қутбли дунёга қараганда барқарорроқ эди. У фақат бир бўлиниш чизиғига эга эди ва икки қутблиликда қарама-қарши тарафлар кучларининг деярли тенглиги кузатиларди. Ҳолбуки, кўп қутблилик тарафлар кучларининг номутаносиблигини, уларнинг таркиби мунтазам равишда ўзгариб туришини англатади ва бинобарин хатога йўл қўйиш ва кутилмаган можаролар юз бериши хавфини орттиради.

Икки тизим ўртасидаги ихтилоф даврининг *барқарорлиги* ўрнини «совуқ уруш»дан кейинги даврининг *беқарорлиги* эгаллади.

¹ J. Mearsheimer. "Back to the Future: Instability in Europe After the Cold War," *International Security*, vol.15, no. 1 (Summer 1990), and J. Mearsheimer "Why We Will Miss the Cold War, *Atlantic Monthly*, vol. 266, no. 2 (August 1990).

Халқаро ҳаётнинг *ноҳукумат субъектлари* катта сиёсий, иқтисодий ва молиявий қудратга эга бўлиши, айти вақтда давлатлар томонидан назорат қилиш дастаклари ва имкониятларининг камайиши пулларнинг ноқонуний муомаласи, қурол-яроқ билан кенг миқёсда савдо қилиш каби хавфлар пайдо бўлишига олиб келди. Коммуникация воситаларининг ривожланиши ва кўчиб юриш эркинлиги халқаро терроризмга қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Илгари маҳаллий хусусиятга эга бўлган муаммолар, глобаллашув даврида, яъни чегараларсиз дунё шароитида, батамом янги, мисли кўрилмаган қўламга эга бўлди. Уюшган жиноятчилик тобора трансмиллий тус олмоқда.

Янги аср бўсағасида жаҳонда *трансмиллий таҳдидлар*, яъни халқаро миқёсдаги хавф-хатарлар, бир давлат ҳудуди билан чекланмайдиган беқарорлик омиллари билан тўқнаш келмаган бирорта ҳам минтақа бўлмаса керак. Ўша йиллар Марказий Осиёнинг муаммоси шундан иборат бўлдики, бу ерда барча *асосий хавф-хатарлар мажмуаси* юзага келди. Булар ичига биринчи навбатда халқаро терроризм, экстремизм, нарко-жиноят киради. Боз устига, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва қўллаб-қувватлайди. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг оддий арифметик қўшилиши эмас, балки *мультипликация самараси*, яъни ҳар бир хавфнинг вайрон қилувчи кучи кўп карра кўпайиши рўй бермоқда.

Шундай қилиб, Евросиёнинг марказида, «*беқарорлик ёйи*»да дунё миқёсидаги оламшумул ўзгаришлар даврида вужудга келган минтақа мамлакатлари ўз мустақил тараққиёт йўлининг дастлабки босқичида катта синовлардан ўтишларига тўғри келди.

Бу ўта мураккаб шароитда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини барпо этилиши ташкилотга аъзо давлатлар томонидан хавфсизлик соҳасида ўзаро

ҳамкорликни ўрнатиш ва минтақада барқарор ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун замин яратди.

**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти –
замонамизнинг мушкул саволларига
нисбатан минтақамиз халқларининг
муштарак жавобидир**

Марказий Осиёда тинчлик ва
барқарорликни
мустаҳкамлаш ташкилот
учун энг бошидан устувор

аҳамиятга эга бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам бу муаммо ўта муҳим бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитида таъкидлаганидек, *“дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди. минтақамизда бу борадаги ҳамкорлик ҳали-ҳануз ўз долзарблигини йўқотгани йўқ”*.

Биринчи кунданок бу минтақавий ташкилот амалий ҳаракат тузилмаси бўлишига интилиб келди. Авваламбор, бу Марказий Осиёдаги вазиятни портлатиш қудратига эга бўлган уч иллат – терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ўз аксини топди. Бу борада 2004 йилда таъсис этилган ва қароргоҳи Ўзбекистон пойтахти, Тошкент шаҳридаги *Минтақавий аксилтеррористик тузилма* кўп томонлама ҳамкорликни самарали ташкил этишга катта ҳисса қўшди.

Шу билан бирга ШХТ ҳужжатларида қайд этилганидек, мустаҳкам тинчлик ва барқарорликка муттасил *иқтисодий ва ижтимоий ривожланишсиз* эришиб бўлмайди. Хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш масалалари ШХТнинг икки қаноти десак бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу ташкилот кун тартибида фақат хавфсизлик муаммолари билан чекланмасдан, минтақа давлатлари ўртасида кенг кўламли ва турли

йўналишдаги ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари тобора муҳим ўрин эгаллаган.

Демак, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти *минтақавий ривожланиш тузилмасига* айланди.

Кейинги йиллар мобайнида биз Шанхай ҳамкорлик ташкилотини дунёдаги энг нуфузли ва баобру халқаро тузилмалар сафига кирганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Унинг фаолиятида янги қирралар пайдо бўлмоқда, ҳаракат дастури кенгайиб турли йўналишларни ўз ичига олмоқда.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли инқироз жараёнлари кечаётган даврга тўғри келди.

Бунинг сабаблари кўп. Пандемия ва у билан боғлиқ иқтисодий буҳрон, халқаро ҳуқуқий ва

сиёсий тизимнинг издан чиқиши, инсоният экологик ҳалокат ёқасига келиб қолиши шулар жумласидандир.

COVID-19 боис вужудга келган инқироз илгари ҳам халқаро ишлаб чиқаришда кўриниш берган муаммоларни янада мураккаблаштирди. Уларнинг илдизи янги саноат инқилоби, иқтисодий миллатчилик, глобал жараёнларга нисбатан тегишли ваколат ва имкониятларга эга бўлган халқаро тузимлар мавжуд эмаслигида ётади.

Агар 2009–2019 йиллар мобайнида глобал тўғридан тўғри сармоялар йилига ўртача 6% ўсиб, 2020 йилга келиб 1,5 трлн долларга етган бўлса, ўтган йили улар 35 фоизга камайиб 1 трлн долларни ташкил этди. Бу ҳатто ўн йил аввал содир бўлган жаҳон молиявий инқироз даврида қайд этилган минимумдан ҳам анча кам бўлди.

Бутун дунёда пандемия билан боғлиқ бўлган чеклов чоралари амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларни секинлаштирди ва трансмиллий корпорациялар томонидан янги лойиҳаларни қайта кўриб чиқишга мажбурлади.

Ривожланаётган мамлакатларда COVID-19 пандемиясидан, авваламбор, янги саноат корхоналарига ва янги инфратузилмавий лойиҳаларга қаратилган инвестицияларга путур етказилди.

Хорижий инвестициялар оқимининг пасайиши, биринчи навбатда, *барқарор ривожланиш дастури* билан (Sustainable Development Goals) боғлиқ бўлган тармоқлар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, сув таъминоти ва саноат ва уй-хўжалик санитария соҳасига йўналтирилган халқаро ҳусусий инвестициялар 67 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимига 54 фоизга, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришга – 49 фоизга, таълим соҳасида – 35 фоизга камайди.

Дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бормоқда, глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч чуқур инқирозда. Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорларининг ривожига беқарорлик хос бўлмоқда. Мамлакатимизнинг стратегик шериклари ўртасидаги ўзаро муносабатларда зиддиятли потенциал ниҳоятда ортиб бориб, қарама-қаршилик кескинлашиб бормоқда.

Шу каби омиллар боис Ўзбекистоннинг ШХТдаги бу галдаги раислиги ташкилот тарихида энг мураккаб даврга тўғри келди ва ўзбек дипломатияси учун жиддий синов бўлди.

Самарқанд саммитини тайёрлаш мамлакатимиздан янги ёндшув ва усуллардан фойдаланишни талаб қилди.

Ташкилотда раислик вазифасини бажаришда Ўзбекистон раҳбарияти бир қатор *императивлардан* келиб чиқди.

Биринчидан, ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда трансмиллий, трансчегаравий глобал хавф-хатарларга қарши самарали кураш олиб боришга қодир эмас. Яккаю ягона йўл – конструктив мулоқот ҳамда ҳар бир

тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир.

Халқаро муносабатлар характери тубдан ўзгариши ва дунё таркибига тобора хос бўлаётган *полицентризм* тараққиётнинг янги *парадигмасини* талаб этади.

Бу эса, ўз навбатида, халқаро ташкилотлар фаолият тамойилларини қайта кўриб чиқишни кескин тақозо этади. Глобаллашув даврининг асосий императиви – барқарор ривожга таҳдид солувчи омилларга қарши кураш мақсадида кўп томонлама ҳаракатларнинг *консолидациясидир*.

Ўзбекистон ёндашуви Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – бу *амалий ҳаракат тузилмаси* эканлигини англатади. Халқлар бу ташкилотдан умумий декларациялар эмас, балки мунтазам тараққиётни таъминловчи самарали дастурларни кутишади.

Иккинчидан, ШХТ самарали минтақавий кўп томонлама ҳамкорликнинг модели ва бугунги таҳликали дунёни *барқарорлаштирувчи омилларидан* биридир ҳамда шундай бўлиб қолиши лозим.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг кучи – турли блоклардан холи мақомга эга эканлиги, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирок этувчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилишдир.

Учинчидан, ШХТнинг сўнги йиллардаги кенгайиши – бу ташкилот обрўси ортиб боришининг белгиси ҳамда унга дунёнинг барча минтақалардаги мамлакатлар томонидан бўлган қизиқиш ва интилишнинг ёрқин ифодасидир. Шу билан бирга, Тошкент ёндашуви ШХТ кучи ва аҳамияти, биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасини *ташкилот фаолият ядроси* сифатида сақлаб қолишни талаб қилишида ҳам намоён бўлади.

Тўртинчидан, Афғонистон дунё ҳамжамияти эътиборидан, биринчи навбатда, ШХТ фаолиятидан четда қолишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Нафақат Марказий Осиё балки кенгроқ миқёсдаги минтақалар тақдири ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига боғлиқдир.

Шу боис Афғонистонни ШХТ доирасидаги умумий минтақавий жараёнларга фаол жалб қилишни давом эттириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Биринчи навбатда, Афғонистонда стратегик иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини давом эттириш муҳимдир. Бу нафақат бу мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини таъминлайди, шу билан бирга мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш омили бўлади.

Бешинчидан, минтақа халқлари олдида турган муаммоларнинг ечимини топиш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ШХТ *фаолият спектрини* кенгайтиришни тақозо этади. Ташкилот доирасидаги Ўзбекистон раислиги даврида унинг фаолиятида *янги стратегик йўналишлар* пайдо бўлди: транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт.

Олтинчидан, ШХТнинг *бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар* билан ҳамкорлигини чуқурлаштириш долзарб масаладир. Кун тартибида турган умумбашарий муаммоларнинг ечимини топиш борасида *кўптомонлама дипломатия* имкониятларидан кенг фойдаланиш даркор.

Очиғини айтиш керак, ушбу мақсадларга эришиш осон бўлгани йўқ. Самарқанд саммити арафасида халқаро муносабатлардаги инқироз кескин равишда кучайди. Ташкилот фаолиятида зиддият туси бўлиши хавфи вужудга келди. Бундай ўта салбий сценарийнинг олдини олишда учрашувдан бир неча кун олдин етакчи оммавий ахборот воситаларида чоп этилган *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг*

“Самарқанд саммити – ўзаро боғлиқ дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли дастурий мақоласи катта аҳамият касб этди.

Унинг асосий ғояси – бугунги ўта таҳликали замонда халқаро ҳамжамиятнинг олдида турган энг муҳим мақсад, *ўзаро ишончни* яратиш, умумбашарий муаммолар ечимини топиш учун кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Мақолада урғу берилганидек, “ШХТга аъзо барча давлатлар – энг яқин кўшнилариимиз, дўстлариимиз ва стратегик ҳамкорлариимиздир”. Бунинг чуқур тарихий илдизлари мавжуд. Ўтмишда бу ҳудудларда яшовчи халқлар транспорт-савдо ва коммуникация тармоқлари билан боғланган эди. Бу йўл орқали нафақат мол-дунё, балки билимлар, ғоялар ва маънавий тушунчаларнинг ҳам мунтазам алмашинуви юз берар эди. Шунинг эвазига ушбу макроминтақа илм-фан, маданият ва маънавиятнинг тан олинган жаҳон марказларидан бирига айланган эди.

Энг муҳими, дейди давлатимиз раҳбари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро ҳамжамият, турли минтақаларда жойлашган мамлакатлар учун *жозибаси заминида* унинг фаолиятига хос бўлган тенг ҳуқуқли мулоқот ва *кўп векторлик алоқаларни* ривожлантиришга интилишдир.

Бу ўзаро боғлиқлик ортиб бораётган бугунги дунёдаги жараёнларни чуқур англашдан келиб чиққан *фундаментал хулоса* бўлиб, ташкилот фаолиятини янги қирралар билан бойитишга қаратилди.

Самарқанд саммитининг асосий натижалари ва хулосаси: биргалликда ривожланиш орқали умумий муваффақият сари

Мамлакатимизнинг ШХТга раислигининг самарадорлиги ва муваффақияти, кейинги олти

йилда амалга ошириб келинаётган *янгиланган ташқи сиёсатнинг* ҳосиласи бўлди.

Бу даврда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги услуби шаклланди. Мамлакат ташаббусга доимий интилиши, юксак кадр-қиммати, теранлиги, қатъиятлилиги билан ажралиб туради. Марказий Осиёда тубдан янги сиёсий муҳитни яратиш, БМТда муҳим ташаббусларни илгари суриш бўйича чоратadbирлар, жаҳон ҳамжамиятининг юксак баҳосига сазовор бўлган Афғонистондаги низони ҳал этиш бўйича халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган фаол ҳаракатлар давлатимиз ташқи сиёсатининг нуфузи ошишига кўмаклашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган қатор халқаро анжуманлар эвазига Марказий Осиёнинг бошқа минтақалар, биринчи навбатда, ШХТга аъзо мамлакатлар билан ўзаро боғлиқликни чуқурлаштириш учун муҳим қадамлар амалга оширилди. Вужудга келган янги сиёсий муҳит Марказий Осиё ва бошқа минтақалар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун шарт-шароит яратади.

Шунинг учун Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати туфайли сўнгги йилларда минтақада ва унинг атрофида юз берган туб ўзгаришларсиз Самарқанд саммитини шу даражада муваффақиятли ташкил этиш имкони бўлмас эди.

Ўзбекистоннинг раислиги даврида *саксондан ортиқ* йирик тадбирлар ўтказилгани ва *ўттиздан зиёд* концептуал дастур, келишув ва қарорлар тайёрлангани форум натижадорлигининг кўринишларидан бири.

Шу билан бирга, фикримизча, Самарқанд саммити якуни бўйича *янги геосиёсий воқелик* вужудга келди ва илмий ҳамжамият уни чуқур таҳлил қилмоғи лозим.

Биринчидан, ўта мураккаб халқаро шароитда бундай нуфузли халқаро тадбир ташкил этилиши ва муваффақиятли ўтказилиши дунёда таъсири ва халқаро нуфузи тобора ортиб бораётган янги Ўзбекистон пайдо бўлганини акс эттиради.

Самарқанд саммити Ўзбекистон оддий бир мамлакат эмас, балки *минтақавий таъсирга эга қудратли давлатга (региональная держава)* айланганини яққол намоён этди.

Иккинчидан, анжуман ишида дунёнинг энг йирик давлатлар иштирокини таъминлаш, уларнинг нуқтаи назарларини мувофиқлаштиришга эришилди. Бу камдан кам мамлакатлар уддалай оладиган натижадир. Унинг замирида Ўзбекистон Президентининг *халқаро миқёсда катта обрўга* эга замонамизнинг етук давлат арбоби сифатида эътироф этилгани ётади.

Учинчидан, форум якуни бўйича вужудга келган «Самарқанд руҳи» тушунчаси, саммитнинг бугунги таҳликали дунёнинг зиддиятларини бартараф қилишга қаратилган муҳим кадам бўлди ва бу, авваламбор, Ўзбекистон раислиги характери билан боғлиқдир.

Айнан шу сабабли ШХТ бугунги ўта мураккаб дунёнинг барқарорлаштирувчи омилларидан бири сифатида сақланиб қолди. Ўзбекистон раислиги ушбу ташкилотни замонамизнинг муаммолари ва инкирозларининг ечимини топа билиш, халқаро муносабатлардаги тўсиқларни бартараф қилиш, ташкилотнинг янги трансмиллий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда тутган ўрнини кўтаришга қаратилди.

Тўртинчидан, Марказий Осиё ШХТ фаолиятининг *мантиқий ядроси*, ўзаги сифатида сақланиб қолди. Бу ташкилот фаолиятининг концептуал ғояси сифатида келажакда ҳам мустақаланиши, уни мавҳум характерга эга бўлган, *дастурий мақсадлари емирилиб* кетган тузилмага айланишини олдини олиш учун зарурдир.

Саммитнинг асосий хулосаларидан бири – Афғонистонни ривожлантириш масаласида ҳам ШХТдан фойдаланиш ўта муҳим ва долзарбдир. Афғонистон эндиликда ШХТга аъзо давлатларни *боғловчи кўприк* вазифасини бажариш баробарида янги тинчлик миссиясида ўзини намоён этмоғи лозим.

Бешинчидан, Самарқанд саммити ШХТ доирасида келажакда қилиниши лозим бўлган дастурий йўналишларни белгилаб берди.

Тинчлик ва барқарор ривож учун таҳдид солувчи хавфларга қарши ҳамкорлик: оммавий қирғин қуролини тарқатмаслик, пандемия ва юқумли касалларга қарши кураш, сув ресурслари, экология ва атроф муҳит масалалари, одам савдоси ва уюшган жиноятчилик муаммоси шулар жумласидандир. Кун тартибидаги муҳим йўналиш – озик-овқат хавфсизлигидир.

Бугун кунда ШХТнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш – замон талабидир. Самарқанд саммити ушбу мақсадларга эришиш учун муҳим замин яратди.